

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ректори
Ш.С.Сирожиддинов

« _____ » _____ 2016 йил

Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти орқали «Таълим йўналишлари
ва мутахассисликлари ДТС лари» регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат номланиши

Қисқа номи: «Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ДТС лари»
Кенгайтирилган номи: Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти ва
Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали «Таълим йўналишлари ва
мутахассисликлари ДТСлари»

1.2 Хизмат натижаси

Таълим йўналишлар ва мутахассисликларнинг ДТС ларини электрон шаклда
олиш ҳамда кўриш имкониятига эга бўлади.

1.3 Хизмат кўрсатувчи органлар

Ўзбекистон Миллий университети Ўқув-услубий бошқармаси

1.4 Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги
“Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини
тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори

1.5 Хизматни фойдаланувчилар

Ўзбекистон Миллий университети таянч таълим йўналишлари ва
мутахассисликларини битирганлар ёки таълим олаётганлар.

1.6 Ариза бериш муддатлари

Мунтазам равишда.

1.7 Бажарилиш муддати

Сўров амалга оширилган вақтнинг ўзида жавоб олинади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилишган ҳар қандай
фуқарога қуйидаги ахборот тақдим этилади:

-хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;

- танланган йили;
- танланган таълим шакли (бакалавр, магистр);
- танланган таълим йўналиши номи;
- танланган магистратура мутахассислиги номи;
- танланган таълим йўналиши ёки мутахассисликнинг ДТС электрон варианты;

хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

- хизматдан фойдаланиш учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди

2.2. Батафсил маълумот олиш

«Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ДТС лари» хизмати тўғрисида батафсил маълумот:

- Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти - www.nuu.uz;

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Маълумотнома берилмайди

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй

- Мўлжал: Тошкент Давлат техника университети

- Транспортлар: 28, 31, 34, 87, 90-автобуслар метронинг Беруний бекати

2.5. Фойдаланиладиган бланкалар

Бланка талаб этилмайди.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: мунтазам

3.2 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Сўров юборилган вақтнинг ўзида жавоби олинади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

Ҳужжат талаб этилмайди

4.2. Хизмат тўлови:

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Ўзбекистон Миллий университети расмий веб сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари

Ўзбекистон Миллий университети расмий веб сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. Веб сайт манзил

2. ДТС нинг тасдиқланган йили танланади;

3. Таълим шакли танланади;

4. Таълим йўналиши ёки мутахассислик танланади;

4.4. Рад этиш сабаблари

Танланган таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги университетга тегишли бўлмаганда.

Танланган йилда ДТС ишлаб чиқилмаганлиги.

«КИРИТИЛДИ»

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

_____ **З.Жаббаров**

« ____ » _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи**

_____ **М.Ў.Худойберганов**

« ____ » _____ **2016 йил**